
Туманимиз аҳолиси диққатига!

25-26 июль кунлари бутун мамлакатимиз бўйлаб карантин чоралари кучайтирилади. Мамлакатда эпидемиологик вазият ёмонлашгани ҳисобга олиниб, аҳоли саломатлигини кўзда тутган ҳолда ва ушбу юқумли касалликнинг янада кенг тарқалиб кетишини олдини олиш мақсадида, Республика маҳсус комиссияси Қарорига мувофиқ, мамлакатимизда қайта бир қатор чекловлар ўрнатилди. Туман марказида ташкил этилган постларида назорат тартиблари кучайтирилади. Шундай вазиятда, аҳоли саломатлигини кўзда тутган ҳолда, шанба ва якшанба туманимиз бўйича автотранспорт воситалари қатнови вақтинча тўхтатилади. Албатта, ортиқча саросимага берилмаган ҳолда дўконлар ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари шаҳобчаларида сунъий навбатларни ҳосил қилмаслик, жамоа бўлиб тўпланмасликларингизни сўраб қоламиз.

2020-07-24 15:25:18